



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2019 йил 31 декабрь, № 272 (7502)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 декабрь куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мамлакатлар етакчилари кириб келаётган янги — 2020 йил муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилақларини изҳор қилдилар.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари ва 2019 йилда эришилган келишувларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан мулоқотда якунига етатган йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашда муҳим натижаларга эришилгани таъкидланди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортмоқда, саноат ва транспорт соҳаларидаги кооперация кенгаймоқда, ҳудудлар ва гуманитар алоқалар фасоллашди. Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасидаги тadbирлар муваффақиятли ўтказилди.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашувининг самарали натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан мулоқотда 2019 йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашда муҳим босқич бўлгани таъкидланди.

Ўзаро алоқалар жадаллашди, савдо кўрсаткичлари икки баробар ўсди, саноат ва транспорт соҳаларида кооперация лойиҳалари илгари сурилмоқда, ҳудудлар ўртасидаги ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда.

Президентлар Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашувини якунларини юксак баҳоладилар.

Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлигининг истиқболлари ҳамда 2020 йилга мўлжалланган икки томонлама тadbирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан мулоқотда жорий йил ноябрь ойида Туркменистон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда ўтган иккинчи Маслаҳат учрашувининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Яхши қўшничилик ва стратегик шериклик

руҳидаги муносабатлар мустақамлангани, экспорт-импорт амалиётлари ҳажми ошгани, энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат ва транспорт соҳаларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётгани икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим натижалари сифатида эътироф этилди.

Маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқотда жорий йил кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик алоқалари янада ривожланган ва мустақамланган давр сифатида икки томонлама муносабатлар тарихида қолиши таъкидланди.

Ҳукуматлар, парламентлар ва ҳудудлар, жумладан, Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда. Ўзаро савдо ҳажми салмоқли даражада ошмоқда, иқтисодиёт тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда, маданий-гуманитар алоқалар мустақамланмоқда.

Жорий йил ноябрь ойида пойтахтимизда ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иккинчи Маслаҳат учрашувининг натижалари муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан суҳбатда жорий йил яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлашда муҳим тарихий давр бўлгани мамнуният билан қайд этилди. Бунда Қозоғистон Президентининг жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи муҳим аҳамият касб этди.

Турли даражадаги икки томонлама мулоқотлар фаоллашгани, парламентлараро ва ҳудудлараро ҳамкорлик ривожланаётгани, савдо ҳажми ошгани, машинасозлик, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётгани, Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида маданий-гуманитар алоқалар кенгайгани қайд этилди.

Мулоқотлар чоғида давлат раҳбарлари халқро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Бўлажак икки ва кўп томонлама тadbирлар режаси ҳам муҳокама қилинди.

Давлатлар етакчилари қардош мамлакатларимиз халқларига янги — 2020 йилда тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилаб, эзгу истаклар изҳор этдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар (кейинги ўринларда — фармацевтика маҳсулотлари) муомаласи тизимини яхшилаш бўйича комплекс чора-тadbирлар амалга оширилди, маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, маҳаллий фармацевтика тармоғи аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларининг фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини етарли даражада қаноатлантирмапти.

Хусусан, фармацевтика тармоғи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури бўйича иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг шундай тармоғидан орқада қолимоқда. Чунончи, ички бозорда маҳаллий дори воситаларининг улуши қийматда ифодалаганда 27 фоизни ва товар ҳажми бўйича ифодалаганда 45 фоизни ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатларда муваффақиятли қўлланилаётган нархни шакллантиришнинг шаффоф ва самарали механизмлари мавжуд эмаслиги ҳам дори воситалари нархлари чегарадош мамлакатларга нисбатан Ўзбекистон Республикасида асоссиз ўсишига олиб келяпти.

Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъмин-

лашни янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини, илмий-техник ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2020 йил 1 июлдан бошлаб маҳаллий ва хорижий дори воситаларига нисбатан референт нарх шакллантириш тизими босқичма-босқич жорий этилади** ва унда қуйидагилар кўзда тутилади:

аҳоли жон бошига нисбатан даромадлар даражаси юқори, ўртачадан юқориорқ ва ўртачадан пастроқ бўлган давлатлар гуруҳига кирувчи **камида 10 та референт мамлакатларни таллаш;**

дори шакли, қадокдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадокланишини ҳисобга олган ҳолда айни бир ишлаб чиқарувчининг худди шундай фаол моддага эга дори воситасининг ишлаб чиқарувчи мамлакатда, референт мамлакатларда ва Ўзбекистон Республикасида **сотили нархларини рўйхатдан ўтши гувоҳномаси эгаси ёки унинг ишончли вакили томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилиши;**

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «2020 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг масъулиятини янада ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган янги бюджет тизими жорий этилмоқда.

Илк бор “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар харажатлари эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилан қўйилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган даромад турлари кенгайтирилди.

2020 йилдан бошлаб барча давлат мақсадли жамғармалари ва четдан жалб қилин-

ган ташки қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган давлат харажатлари консоллициялашган Давлат бюджетида акс эттирилад, бюджет қамрови ва очиклиги даражаси кучайтирилди. Халқро стандартларга мувофиқ умумий фискал баланснинг ҳисобини юритиш йўлга қўйилди.

Янги тахрирдаги Солиқ кодексига солиқларни ортиқча ундирганлик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, замонавий усуллари қўлланган ҳолда хорижий амалиётда сигналган солиқ назорати шакллари жорий этилди, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилди.

Ўз навбатида, амалга оширилаётган ислохотлар вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биринчи даражали харажатларни, давлат дастурлари ва ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тadbирларни ўз вақтида молиялаштириш борасида жавобгарлигини ошириш, манбаси аниқ бўлмаган тadbирларни амалга оширмасликни ҳамда бюджет интизомини янада қатъийлаштиришни талаб этади.

(Давоми 2, 3-бетларда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 166-моддалар, № 8, 471-модда, № 9, 589-модда, № 11, 792-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин* (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: 2020 ва 2021 йиллар давомида янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан бун матнда Солиқ кодекси деб юритилган) нормаларининг амалий таъсири ва самарадорлиги доимий равишда ҳамда хар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминласин; зарур бўлган тақдирда Солиқ кодексининг алоҳида нормаларини янада тақомиллаштиришга қаратилган тақлифларни белгиланган тартибда киритсин; ҳукумат қарорларини Солиқ кодексига мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари Солиқ кодексига зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда Солиқ кодексининг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича: Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига назарда тутилган имтиёзлар 2020 йилнинг 1 апрелига қадар амал қилади;

2020 йилнинг 1 январигача қабул қилинган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш мuddати тугагунига қадар амал қилади.

Белгилан қўйилсинки, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови ва қатъий белгиланган солиқ ўрнига тегишинча ижтимоий солиқ, айланмадан олиннадиган солиқ ҳамда қатъий белгиланган микдорда жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи киритилмоқда, уларнинг тўловчиларига қонун ҳужжатларида илгари белгилан қўйилган имтиёзлар ва алоҳида ҳисоблаш тартиби таъбиқ этилади.

5-модда. Белгилан қўйилсинки, ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олиннадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ўрнини қоплаш 2020 йил 1 июлдан эътиборан амалга оширилади.

6-модда. Ушбу Қонун 2020 йил 1 январдан эътиборан қучга қиради.

Солиқ кодексининг 69-боби қоидалари 2020 йил 1 январдан кейин тузиладиган маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномалари бўйича халқро ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) ҳисобидан халқро ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари томонидан маъқулланган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олиннадиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага 2020 йил 1 июлга қадар қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди.

2022 йил 1 январга қадар бўлган даврда янги тартиб жорий этилади, унга мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиди.

Солиқ тўловчи 2020 йил 1 январга қадар ҳосил бўлган зарарни келгусига, ушбу зарар қўрилган солиқ давридан кейинги беш йилдан кўп бўлмаган мuddатда қўчиришни амалга оширишга ҳақли. Хар бир кейинги солиқ даврида ҳисобга олиннадиган ўтказилаётган зарарнинг жами суммаси жорий солиқ давридаги солиқ базасининг 50 фоизидан ошishi мумкин эмас.

Солиқ кодексининг VI, VII бўлимлари ва 5-боби 2022 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Солиқ кодекси 40-моддаси биринчи қисмининг 1-банди 2023 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади. 2023 йил 1 январга қадар чет эл компаниясидаги иштироки улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этадиган юридик ёки жисмоний шахс чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 30 декабрь
№ ЎРҚ—599

* Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ

ЁРҚИН ЙИЛИ

ёҳуд 2019 йилнинг энг муҳим 20 та воқеаси



2019 йилда Ватанимиз қўлга киритган муваффақиятларнинг қисқача таҳлили сизни қизиқтиришига ишончимиз комил. Бу ҳақда “Янгила-

наётган Ўзбекистоннинг ёрқин йили: ёҳуд 2019 йилнинг энг муҳим 20 та воқеаси” номли қўш саҳифамизда танишасиз.

4 ва 5-саҳифаларга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

⏮(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

дори шакли, қадокдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадқоқлашни ҳисобга олган ҳолда **дори воситасининг ҳар бир савдо номи учун белгиланган энг юқори нарҳини қайд этиш**. Бунда дори воситасини ушбу қийматдан юқори нарҳларда Ўзбекистон Республикасига ет-казиб бериш (импорт дори воситалари учун) ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сотилиши (маҳаллий дори воситалари учун) мумкин эмас;

б) **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир-лиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожланти-риш агентлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик) қуйидаги-лар учун масъул бўлган ваколатли орган ҳисобланади:

дори воситасининг савдо номига референт нарх шакл-лантириш тизимини, шу жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш органлари ва ташкилотларини ҳамда жа-моатчиликни жалб қилган ҳолда мониторинг ва таҳлил қилиш; дори воситасининг ҳар бир савдо номи нарҳларининг ун-дан юқори нарҳда Ўзбекистон Республикасига етказиб бе-рилиши (импорт дори воситалари учун) ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сотилишига (маҳаллий дори воси-талари учун) йўл қўйилмайдиган энг юқори чегарасини қайд этиш;

Интернет тармоғидаги ўз расмий веб-сайтида фармацев-тика фаолияти билан шуғуullanувчи ташкилотлар, рўйхатдан ўтган ва сертифициланган фармацевтика маҳсулотлари, шунингдек, дори воситасининг савдо номи учун чекланган нарҳлар ва белгиланган чекланган савдо устамаларини ҳисоб-га олган ҳолда улғуржи ва чакана чекланган нарҳлар тўғри-сидаги маълумотлар акс эттирилган автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш ва юритиш;

в) 2020 йил 1 июлдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, республиканинг барча тиббиёт ташкилотларида мажбурий тартибда дори воситаларининг халқаро патент-ланмаган номи бўйича рецепт ёзилиши жорий қилинади.

Давлат божхона қўмитаси ҳар ойнинг 5-санасига қадар Агентлик ўз веб-сайтида **ҳар ой эълон қилиб бориши учун импорт қилинадиган фармацевтика маҳсулотлари тўғри-сида батафсил маълумотларни** (импорт қилувчи, товар номи, ҳажми, нархи ва бошқалар) Агентликка тақдим этилишини таъминласин.

2. Қуйидагилар:

а) **2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси-нинг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концеп-цияси** (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага муво-фиқ тасдиқлансин, унда қуйидагилар кўзда тутилсин:

илгор илмий таҳриба ва замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсу-лотларининг турларини кенгайтириш, шунингдек, иннова-цион фармацевтика маҳсулотларини яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, замонавий объектларни ишга тушириш ҳамда мавжуд объектларнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш орқали фармацевтика саноатини ривожлантириш;

ташкилотлар ва корхоналарнинг фармацевтика маҳсулот-ларини яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича халқаро талаблар билан уйғунлаштирилган стандартлар меъёрларига мувофиқ-лигини таъминлаш орқали маҳаллий фармацевтика тармоғи-ни ривожлантириш;

фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича за-монавий рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун, шу жумладан, хорижий фармацевтика корхоналарининг инвестициялари ва илгор технологияларини жалб этиш;

кейинчалик дори воситалари ишлаб чиқариш учун дори-

вор ўсимликлар хом ашёси асосида субстанциялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳаллийлаштириш;

фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини мо-дернизациялаш, кўпайтириш ва янги турдаги дори восита-ларини ўзлаштириш ҳисобига, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш орқали фармацевтика маҳсулотлари импортни қисқартириш;

маҳаллий корхоналарда “Зарур ишлаб чиқариш амалиё-ти” (GMP), “Зарур фармизорат амалиёти” (GVP), шунинг-дек, дистрибьюторлик фаолиятида сифат ва хавфсизлик тизимини бошқариш (GDP), клиник олди (GLP) ва клиник тадқиқотларни ўтказишни (GCP) тартибга солишга қаратил-ган амалиётларни босқичма-босқич жорий этиш;

нарҳларни шакллантириш механизмининг такомил-лаштириш, фармацевтика маҳсулотларини маркировкалаш ва кузатиш тизимларини жорий этиш;

замонавий халқаро талабларга мувофиқ фармацевтика маҳсулотларини яратиш, ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомил-лаштириш орқали миллий регулятор орган салоҳиятини мустаҳкамлаш;

илгор хорижий тажриба асосида республиканинг фарма-цевтика тармоғи учун, шу жумладан, дори препаратларининг биотехнологияси, дори моддаларининг кимёвий технология-си, тайёр дори воситалари ва фитопрепаратлар технология-си, фармацевта иктисодиёти ва уни бошқариш, фармацевтик кимё ва микробиология каби муҳим соҳаларда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни чуқур интеграция-лаш орқали ишлаб чиқариш, сертифицикатлаш ва стандар-тлаштириш, фармацевтика маҳсулотларининг клиник олди ва клиник тадқиқотлари бўйича янги технологияларни ишлаб чиқиш ва мослаштиришга қаратилган фундаментал, илмий-амалий ва инновацион тадқиқотлар самарадорлигини тубдан ошириш;

оригинал дори воситаларини, шунингдек, талаб юқори бўлган оригинал дори воситалари негизда генерик дори препаратларини (генерикларни) ишлаб чиқишга мўлжаллан-ган замонавий ўқув лаборатория ва илмий-тадқиқот марказ-ларини ташкил этиш;

б) **2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси-нинг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концеп-циясини 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари дастури** (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амал-га оширилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

3. **Концепция ва Чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган тадбирлари молиялаштириш манбалари этиб қўйиладиглар белгилансин:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузу-ридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги қошидаги Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ри-вожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағ-ларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг дол-зарб чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш орқали натижадор-лиқни таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йилда:

консолидациялашган бюджет дефицити ялпи ички маҳсу-лотнинг 0,5 фоизидан ошмаслигини;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромад ва харажатлари баланслаштирил-ган ҳолда ихро этилишини;

Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Хукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4 млрд. АҚШ долла-ридан ошмаслигини;

Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Хукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан қайтариладиган ташқи қарзни ўзлаштиришнинг чекланган ҳажми 1,5 млрд. АҚШ долларидан ошмаслигини таъминласин.

4. Белгилансинки, давлат ташқи қарзи ҳисобидан молия-лаштирилган лойиҳа ва дастурларнинг натижадорлигини ба-ҳолаш жараёни қуйидагиларни назарда тутadi:

яқунланган лойиҳа ва дастурларни Ўзбекистон Республи-каси Ҳисоб палатаси аудитдан ўтказиб, аудит натижалари бўйича ахборотни ҳар чорак якунида Олий Мажлис Қонунчи-лик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига юборади;

тегишли вазирлик ва идоралар яқунланган лойиҳа ва дастурлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталарига 3 ой ичида тақдимотлар ўтказади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Инвестиция-лар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги лойиҳа ва дастурларнинг ишлаб чиқилиши, танабл олиниши, мони-торинги ва аудит натижаларига оид маълумотлар оммавий ахборот воситалари ва веб-сайтларда жойлаштирилишини таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:

ҳодимлар умумий чекланган сони доирасида бошқарув ҳодимларининг сони 3 та штат бирлигидан иборат давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа ва дастурларни аудит қилиш секторини ташкил этсин;

уч ой муддатда давлат қарзлари ҳисобидан молиялашти-риладиган лойиҳа ва дастурларни баҳолаш ва аудитдан ўтқа-зиш ҳамда уларни хатарлар бўйича гуруҳлаштириш масала-ларини ўз ичига олувчи тартибни тасдиқласин.

6. 2020 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. **2020 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасала-ри ва ташкилотлари ҳодимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилалар-га бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилсин.**

харидори” институтини жорий этиш доирасида тадбирларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан Агентлик билан бирга-ликда амалга оширади.

5. Қуйидагилар “фармацевтика маҳсулотларининг сирли харидори” институтининг асосий вазибалари этиб белги-лансин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналар томонидан рецептларни ёзиш ва дори воси-таларининг савдо номи учун чекланган нарҳларни шакл-лантириш жараёнини тартибга солувчи қонунчилик талабла-рига риоя этилишини **мониторинг қилиш ва баҳолаш**;

тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналарга ташриф буюриш, телефон қўнғироқлари, электрон почта ёки мобил иловалар орқали мурожаат қилиш, шунингдек, бошқа масо-фавий усуллар орқали **маълумот тўплаш ва мониторинг олиб бориш**;

маълумот тўплаш ва мониторинг қилишга тегишли ваколатли органлар ҳодимларини ҳам, **фуқаролик жа-мияти институтлари ва бошқа шахсларни** (“сирли харидорлар”) ҳам жалб этиш;

тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналар раҳбарлари ва (ёки) ҳодимларини ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳамда ваколат-ларини суиистеъмо**л қилишга ундовчи усуллардан фойдаланишни тақиқлаш**;

қонунчилик талабларини биринчи марта бузган тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналар, шунингдек, уларнинг раҳбар-лари ва (ёки) ҳодимларига қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини қўламасдан, **тушунтириш ишла-рини олиб бориш**, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

“фармацевтика маҳсулотларининг сирли харидори” институтини жорий этиш доирасида ўтказилган мониторинг натижалари асосида **қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш**.

6. Агентлик:

а) 2020 йил 1 мартга қадар референт нарх шаклланти-риш тизими доирасида дори воситалари нарҳларини қайд этиш тартибини ва референт мамлакатлар рўйхатини тасдиқласин;

б) 2020 йил 1 июлга қадар Асосий дори воситалари рўйха-тига киритилган дори воситаларининг ҳар бир савдо номи учун чекланган нарҳлар қайд этилишини таъминласин;

в) 2020 йил 31 декабрга қадар:

дори воситалари давлат реестрига киритилган ва Ўзбе-кистон Республикаси ҳудудида тиббиёт амалиётида фойда-ланиш учун рухсат этилган барча дори воситаларининг ҳар бир савдо номи учун чекланган нарҳлар қайд этилишини;

фармацевтика фаолияти билан шуғуullanувчи ташкилот-лар, рўйхатдан ўтган ва сертифицикатланган дори воситалари, шунингдек, дори воситасининг савдо номи учун қайд этил-ган чекланган нарҳлар ҳамда белгиланган чекланган савдо устамаларини ҳисобга олган ҳолда чекланган улғуржи ва чакана нарҳлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган автоматлаштирилган ахборот тизими тўлақонли ишлашни таъминласин;

г) қуйидагиларни:

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан Концепция ва Чора-тадбирлар дастурининг бажарилиши ус-тидан доимий мониторинг олиб боришни, шунингдек, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарорнинг бажарилиши тўғрисида батафсил маълумот киритиб борилишини;

ҳар йили 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш

Халқ сўзи

2019 йил 31 декабрь

концепциясини амалга ошириш бўйича келгуси йилга мўлжал-ланган чора-тадбирлар дастури лойиҳасининг киритилиши-ни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2020 йил 1 июлга қадар:

Дори воситаларининг халқаро патентланмаган номлани-ши бўйича рецептларни расмийлаштириш тартиби тўғриси-даги низомини тасдиқласин. Бунда мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублмгидан қатъи назар, ушбу талабни бузган тиббиёт ташкилотлари ҳодимларига нисбатан қўлланилади-ган жавобгарлик чоралари назарда тутилсин;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда “фармацевтика маҳсулотлари-нинг сирли харидори” институтини жорий этиш доирасидаги тадбирларни ташкил этиш тартибини;

б) 2020 йил 1 июлга қадар белгиланган тартибда Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган дори воситаларининг ўзаро алмашинуви тўғрисидаги низомини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Концепция ва Чора-тадбирлар дастурини амалга оширишда масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташки-лотларнинг самарали ҳамкорлигини, уларнинг амалга оши-рилишини мониторинг қилиш мобайнида аниқланган камчи-ликлар ўз вақтида бартараф этилишини;

б) ҳар йили 31 декабрга қадар 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тас-диқланишини таъминласин;

в) 2020 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини киритсин:

дори воситаларига рецептлар ёзиш бўйича қонун ҳужжат-ларида белгиланган талабларни бузганлик, шу жумладан, кучли таъсир қилувчи моддалар ва прекурсорлар рўйхатига киритилган гйёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, дори воситаларини олиш ҳуқуқини берувчи рецептларни ёки бошқа ҳужжатларни сохташаштирганлик учун тиббиёт ҳодим-лари ва бошқа шахсларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлиқни жорий этиш;

тиббиёт ҳодимлари томонидан муайян дори воситалари-ни тайинлаш ва бериш учун фармацевтика ташкилотлари ва дорихоналардан молиявий муқофотлар ёҳуд моддий ёки но-моддий кўринишдаги ҳар қандай бошқа рағбатлар олишига тақиқ қўйиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқа-ролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳўж-жатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Агентлик ва бошқа ман-фаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбе-кистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 30 декабрь	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «2020 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

⏮(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат молияси тизими ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет тизимининг шаффофлигини ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари бажарилишида манфа-атдорлигини кучайтириш, шунингдек, “2020 йил учун Ўзбеки-стон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбеки-стон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар **2020 — 2024 йилларда давлат молия-сини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегия-сининг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

солиқ-бюджет сисёатига стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги **“натиҳага йўналтирилган бюджет”** тизимини жорий этиш;

макрофискал прогнозлар ишончилигини таъминлаш йири-ча институционал салоҳиятни ва бюджет жараёни иштирок-чиларининг масъулиятини ошириш;

бюджет маблағларини тақсимловчилар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш;

фискал таваккалчиликларни баҳолаш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш ҳамда уларни самарали бошқариш тизимини жорий этиш;

бюджет ҳисоби стандартларини унификация қилиш, ички назорат ва аудит тизимини такомиллаштириш орқали молиявий интизомни мустаҳкамлаш;

бюджет маълумотларининг очиклиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлаш;

бюджет жараёни устидан парламент ва жамоатчилик на-зоратини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **икки ой муд-датда** халқаро молиявий институтларнинг тақлифларини ино-батга олган ҳолда **2020 — 2024 йилларда давлат молия-сини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегия-сини** тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Қуйидагилар Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идора-лар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг **бюджет-мо-лия соҳасидаги асосий вазифаси этиб белгилансин:**

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш, солиқлар йиғиллиги даражасини оши-риш, мавжуд захираларни сафарбар этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали тегишли бюд-жет даромадлари прогнозининг бажарилишини таъминлаш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдала-ниш ҳамда уни теҳаш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги бўйича ҳисобдорлик тизимини кучайтириш;

биринчи навбатда молиялаштириладиган (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озик-овқат, дори-дармон ва кому-нал хизматлар) харажатларни ўз вақтида молиялаштириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга оши-риш учун назарда тутилган маблағларни, биринчи навбатда, олдинги йиллардан ўтувчи объектларни ишга туширишга йўналтириш;

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «2020 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1, 2-бетларда).

17. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари **бюджет даромадлар прогноз кўрсаткичларини ортиқча тўланган ва ундирилган солиқ суммалари ҳисобига бажарилишига йўл қўймасликлари бўйича қатъий оғохлантирилсин.**

2020 йил 1 январдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, ортиқча ундирилган солиқ суммаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган ставкада фоизалар тўланган ҳолда қайтариш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилган солиқлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, туман ва шаҳарлар бюджетларига ўтказилган солиқлар бўйича — тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан;

бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланган солиқлар бўйича — тегишли бюджетлар ҳисобидан уларга ажратмалар меъёрига мутаносиб равишда амалга оширилади.

18. **Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиғи Молия вазирлиғи тақлифларига асосан мазкур қарорнинг 5-илоvasида кўрсатилган давлат корхоналари ва устав капиталига 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган ҳўжалик хамиятлари бошқарув органларида 2020 йил давомида олинadиган фойдадан дивидендлар (ажратмалар) тўлаш, уларнинг микдорлари ва тўлаш даврийлигини белгилаш тўғрисидаги масалаларнинг кўриб чиқилишини таъминласин.

19. Қўйидаги солиқ турлари бўйича **даромадлар прогнозалининг ошириб бажарилган қисми** тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қолдирилсин:

хисомини шахслардан олинadиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи (мазкур қарорнинг 5-илоvasида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно);

фойда солиғи (мазкур қарорнинг 5-илоvasида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб бoрувчи муассаса орқали фаолият юритуви Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳукуқи берилсин.

20. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг **айланма қасса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

21. 2020 йилда **бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан харажатларни амалга ошириш ва ишларни бажариш қўйидаги ҳолларда тақияклансин:**

молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаса;

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари (ишчи лойиҳа, иш ҳужжатлари, лойиҳа-смета ҳужжатлари)-сиз ёки лойиҳа ҳўжатларини курилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда тайёрлаш, яъни параллел равишда олиб бoриш;

пудратчи (лоийҳачи) ташкилотларни тендер (конкурс) ўтказмасдан ("Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларида назарда тутилган бўлмаса) танлаб олиш асосида.

Мазкур бандда кўрсатилган бюджет интизоми қоидаларига рияя қилиниши устидан Бош вазирнинг тегишли соҳалар

бўйича ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг шахсан масъул эканлиғи белгилаб қўйилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиғи ва Молия вазирлиғи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда **бир ой мuddатда** қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, қурилиш меъёрлари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш, қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш, ёлланма ишчиларнинг норасмий фаолиятини легаллаштиришга қаратилган **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиғи вазирлиғи Қишлоқ ҳўжалиғи ва Инновацион ривожланиш вазирликлари билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар сув тежовчи технологиялари жорий этишга Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ҳосилдорлик ошишига, сув ва моддий (электроэнергия, минерал ўғитлар ва бошқалар) ресурслар иктисод қилинишига таъсирини мустақил консалтинг компаниялари жалб қилган ҳолда ўргансин ва 2020 йил 1 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига сув тежовчи технологияларни жорий этишни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритсин.

Мустақил консалтинг компанияларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан қоплансин.

24. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг:

давлат ва жамият эхтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан хисомий ва юридик шахсларга амалдаги қонунчилик талабларига зид равишда зарар етказилмаслигини таъминлаш;

Давлат ва жамият эхтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан хисомий ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармалар маблағларидан фойдаланиш юзасидан чиқариладиган қарорларини мажбурий тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан келишилиши ҳамда зарарларни қоплашда уларнинг Давлат бюджети ва маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланиши юзасидан масъуллиғи белгилаб қўйилсин.

25. Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига давлат божлари, йигимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий ва молиявий жарималардан ажратмалар микдорини бюджетдан ташқари маблағлардан тўлаб қелинаётган иш ҳақи ва рағбатлантириш тўловларини унификациялаштирган ҳолда Давлат бюджети орқали амалга ошириш ҳисобига **мақбуллаштириш** бўйича тақлиф киритсин.

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан уларнинг ҳодимларига уй-жой ва автомашиналар хариди учун имтиёзли кредитларни ва фозисиз ссудаларни ажратиш бекор қилинсин.

26. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари, вазирлик, идоралар ва давлат мақсадли жамғармаларининг:

миллий валютадаги бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби фақат Ягона газна ҳисобварағида юритилида; вақтинча бўш турган миллий валютадаги маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш уларнинг сўровлари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда электрон аукцион орқали амалга оширилади;

тижорат банклари депозитлариға 2020 йилгача жойлаштирилган миллий валютадаги маблағлари депозит мuddати тугагандан сўнг, мuddат узайтирилмасдан Ягона газна ҳисобварағига ўтказилида. Бунда тижорат банклари депозитлариға кредит ресурси сифатида мақсадли жойлаштирилган маблағлар мазкур ресурс ҳисобига берилган кредитлар сўндирилгандан сўнг Ягона газна ҳисобварағига ўтказилида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиғи бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жам

ғармаларининг тижорат банклардаги ҳисобварақларининг ҳаракати бўйича маълумотлар алмашинувини йўлга қўйсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи, Халқ таълими вазирлиғи, Мактабгача таълим вазирлиғи, Маданият вазирлиғи, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиғи ва Адлия вазирлиғи Молия вазирлиғи билан биргаликда уч ой мuddатда даволаш ва профилактика муассасаларида, "Баркамол авлод", болалар мусиқа ва санъат мактабларида, спорт муассасаларида, давлат маданият муассасаларида, ветеринария бўлинмаларида, шунингдек, адлия органларида пуллик хизматлар кўрсатиш амалиётини ўрганиб чиққан ҳолда аҳолига янада қулайлик яратиш, пул тушумларининг шаффофлигини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ тақлифлар киритсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиғи Молия вазирлиғи билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар давлат ташкилотларида енгил хизмат автомобилларига чекланган сонини белгилаш, шунингдек, раҳбар ҳодимларга хизмат автомобилаларини классига қараб бириктириш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

30. Мактабгача таълим вазирлиғи, Мудофаа вазирлиғи, Ички ишлар вазирлиғи, Фавқулодда вазиятлар вазирлиғи, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Миллий гвардия Молия вазирлиғи билан биргаликда уч ой мuddатда ўз тасарруфидаги муассасаларда овқатлантириш бўйича жорий этилган авторсинг тизимининг самарадорлигини ўрганиб чиқсин ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақлифлар киритсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи ва Мактабгача таълим вазирлиғи марказий аппаратида таълим муассасаларида иш ҳақини режалаштириш ва молиялаштириш бўлиmlарини ташкил этиш учун ҳудудий газначилик органларининг штат бирикларини қисқартириш ҳисобига қўшимча 4 тадан штат бириклари ажратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи Молия вазирлиғи ва Санитария-эпидемиологик осийшталик агентлиғи билан биргаликда икки ой мuddатда умумтаълим мактабларининг ўқув биноларидан самарали фойдаланишга ҳамда синфларни комплектлаш жараёнининг шаффофлиғини оширишга қаратилган умумтаълим муассасаларида синфларни комплектлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

32. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга, ҳудудий молия органлари томонидан эса ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга тегишли бюджетлардан келгуси уч йил учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чегараланган микдорларини ҳамда юқори бюджетлардан қўйи бюджетларга берилadиган трансфертлар микдoрини ҳар йили 15 июнга қадар етказиш тартиби жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт ва саноат вазирлиғи Молия вазирлиғи ва Марказий банк билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг кейинги йилга мўлжалланган макроиқтисодий прогнозни аниқлаштирилган кўрсаткичларини, ҳар йили 15 августга қадар эса ўрта мuddатли (келгуси уч йилга) даврга мўлжалланган прогнозларини тақдим қилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи 2020 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари ўртасида бюджетлараро трансфертларнинг микдорини аниқлаш ва ўтказиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

34. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғининг Давлат бюджетга харажатлари самарадорлигини баҳолашнинг қуйдагиларни назарда тутувчи тартибини босқимча-босқич жорий этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин:

2020 йил давомида соғлиқни сақлаш, халқ таълими, автомобиль йўллари ва сув ҳўжалиғи соҳаларида 2018-2019 йиллар давомида қабул қилинган тадбирларга йўналтирилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг натижадорлигини халқаро молия институтлари экспертларини жалб қилган ҳолда таҳлил этиб, баҳолаш;

баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, таҳриба тариқаси-

да, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи, Автомобиль йўллари қўмитаси ва Сув ҳўжалиғи вазирлиғи харажатларининг сифат ва микдор кўрсаткичларини белгилаш ҳамда уларни баҳолаш тизимини жорий этиш, шу асосда кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг 2021 йил учун бюджетларини шакллантириш;

2021 йилдан бошлаб барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгиланган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимиға ўтказиш ва мазкур тизимни 2022 йил бюджетини шакллантиришда таътиб этиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи тузилмасида белгиланган штат бириклари доирасида 5 та штат биригидан иборат Бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолаш ва бюджетни режалаштиришининг дастурий-мақсадли услубларини жорий этиш бўлими ташкил этилсин.

35. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетте маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови микдорларини тасдиқласин.

36. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи Ҳисоб палатаси билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан амалга оширила-диган харажатларни, шунингдек, республика бюджетидан маблағ олувчи бюджет маблағлари тақсимловчилари томонидан уларга ажратилган бюджет маблағларидан манзилли ва самарали фойдаланилиши юзасидан доимий назорат ўрнатилар;

2020 йил 1 сентябрга қадар етачки хорийжий экспертларни жалб қилган ҳолда вазирлик ва идоралар, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ва жавобгарлигини оширишни назарда тутувчи Ички назорат ва ички аудитни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботидан бошлаб молиявий активлар ва мажбуриятларнинг ўзгариши билан боғлиқ молиявий ўтказмаларни Давлат молияси статистикасининг халқаро стандартларидан келиб чиқиб, ҳисоботда акс эттирсин.

40. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлгининг Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатларини қуйидаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари 113 500,0 млрд. сўм микдорида; бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари 26 260,0 млрд. сўм микдорида; Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасининг харажатлари 426,0 млрд. сўм микдорида.

41. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи давлат молиясини бошқариш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш, шунингдек, бюджет муассасаларида ишловчи ишчи ҳодимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобини тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда амалга ошириш бўйича ахборот давлатларининг узлуқсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобига сервер ва телекоммуникацион қурилмаларини аягласин.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

43. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўңоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 30 декабрь

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

КОМИССИЯНИНГ 2020 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИСТИҚБОЛЛИ ИШ РЕЖАСИ БЕЛГИЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Норма ижодкорлиғи фаолиятини тақомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссиянинг 2019 йилдаги иш якунлари сарҳисоб қилинди. Мажлисини Комиссия раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов очиб берди.

— Қонун ижодкорлиғи иши

сифатини тубдан ошириш вазифаси Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини тақомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган, — дейди Н. Исмоилов. — Мамлакатимиз Президентинг белгиланган кенг микёсли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиғи жараёнининг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини жуда адолатли таъкидлаган эди. Бугунги мажлиси-мизнинг асосий мақсади Ўзбекистон Президентининг тегишли Фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг масъул давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тўлиқ ҳамда сифатли бажарилишини танқидий жиҳатдан кўриб чиқиш ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилишдан иборат бўлмоғи керак.

Йиғилишда норма ижодкорлиғи фаолиятини тақомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларида, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг 2019 йил давомида бажарилишига доир ҳисоботлар эшитилди.

Таъкидланганидек, комиссия фаолияти норма ижодкорлиғи тизимини тақомиллаштиришга қаратилган 20 та норматив-ҳуқуқий

ҳужжат, шу жумладан, 2 та қонун, Олий Мажлис палаталарининг 1 қўша қарори, Президентимизнинг 1 қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори, 13 та бошқа ҳужжатларни қабул қилиш имконини берди. Бундан ташқари, 2 та қонун лойиҳаси ва Президентнинг 2 та қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг микёси, амалга оширилган иш ва қабул қилингани ўтаётган йилда комиссия фаолиятининг энг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Комиссия томонидан Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва манфаатдор идоралар билан келишиб олиш тартиби тасдиқланди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг норма ижодкорлиғи фаолиятии самарадорлигини яхшилашга оид тизимли тадбирлар амалга оширилди. Натижада қуйи палата қонун ижодкорлиғи фаолиятининг микёси, амалга оширилган ишлар ҳажми мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар билан ҳамоҳанг бўлди, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиёти кенгайди.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларнинг норма

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ

фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан биридир

Гендер тенглик — мамлакат самарали иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг омилн. Шу боис юртимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақоғли рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Парламент ҳаёти

Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда комиссия аъзолари, вазирлик ва идоралар, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси Раиси, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб берди.

Мажлисда комиссиянинг 2019 йилдаги фаолияти натижалари ҳамда 2020 йил учун иш режаси кўриб чиқилди.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада қучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тузилган эди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида комиссия томонидан ҳамкор тузилмалар билан биргаликда мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклига барҳам бериш бўйича умумэътироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, шунингдек, аёллар ҳуқуқий маданиятини ошириш каби йўна-

лишларда қатор амалий ишлар олиб бoрилди.

Хусусан, жорий йилда мамлакатимизда бу борада муҳим қадамлар қўйилди. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди, юқори палатада Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси тузилди.

Қонунларнинг ижросини таъминлаш ва аҳоли орасида уларни кенг тарғиб қилиш — комиссия фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Жумладан, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларга мурофиқлаштирилди. Комиссия томонидан қатор нуфузли халқаро ташкилотлар билан биргаликда халқаро форум, турли анжуманлар, шунингдек, “Биз зўравонликка қаршимиз” шioriи остида акциялар ташкил этилди.

Шу билан бирга, ҳимоя орденини бериш тартибини жорий қилиш ва амалиётга таътибқ этиш мақсадида хорижий тажриба ўрганилиб, унинг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам беришда идоралардо ҳамкорлик стандартларин


ЯНГИЛАНАЁТГАН ЁРҚИН

Эл-юртимиз, жаҳон ҳамжамияти бизга катта ишонч билан қарамоқда. Ана шу юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, кўзлаган улғу мақсадларимизга биргаликда албатта етамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

1. Марказий Осиё: МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ ВА МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШ

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан асос солинган ва жорий йил 29 ноябрь куни Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви, шубҳасиз, 2019 йилдаги энг асосий ташқи сиёсий тadbир бўлди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви яхши қўшничилик муҳити, халқлар ўртасидаги дўстлики янада мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ташаббусдир.

Мазкур анжуман тарихига назар ташласак, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб айтган эди. Уша йили ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро анжуманда давлатимиз раҳбари Марказий Осиёга оид долзарб масалалар бўйича минтақа мамлакатларининг савий-ҳаракатларини бирлаштириш, бунинг учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам йўлга қўйишни таклиф этди.

Бу ташаббусни минтақадаги барча давлатлар ва

халқаро ташкилотлар қўллаб-қувватлади. Ўзбоши Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан, биринчи Маслаҳат учрашуви 2018 йил 15 мартда Қозоғистонда бўлиб ўтди.

Иккинчи Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Ўзбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Саммитда мамлакатлар раҳбарлари мунтазам равишда маслаҳат учрашувларини “минтақадаги ҳамкорликнинг долзарб масалаларини ва умумий муаммоларни ҳал қилишда конструктив ва очиқ муҳокама қилиш учун музокаралар майдони сифатида” ташкил этишга келишиб олдилар.



3. ГЕНДЕР ТЕНГЛИК — ТАРАҚҚИЁТ БЕЛГИСИ

Хотин-қизларга муносабат тубдан ўзгарди.

Гендер тенгликни таъминлаш масаласи дунёда ўз долзарблигини йўқотмаган. Бу бежиз эмас. Чунки гендер тенгликка эришиш ҳамият ҳаётининг барча жабҳасида барқарор тараққиётга эришишнинг асосий пойдеворидир.

Мазкур йўналишдаги самарали сиёсат умр кўриш давомийлиги, таълим сифати, бандлик ва умуман, ривожланишнинг белгиланган кўрсаткичларига эришишга кўмаклашади. Айнан шу сабабли Ўзбекистонда бу масалалар давлатимизнинг доимий диққат марказида турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тadbиркорлик фаолиятини

тини қўллаб-қувватлашга оид чора-tadbирлар тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси тузилди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди, Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси тузилди.

5. БИЗ БУНЁД ЭТАЁТГАН ИМОРАТЛАРГА БОҚИНГ

Тошкентда «Humo Arena» муз саройи мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Таъкидлаш керакки, муз саройи қурилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан амалга оширилди. 2017 йил 3 февраль куни Тошкент шаҳрининг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишган қисмида кўп тармоқли муз саройи қурилишига рамзий тамал тоши қўйилган эди.

“Humo Arena” нафақат профессионал спортчилар араси бўлиб, шунинг баробарида, аҳолининг қишқи спорт ўйинларига бўлган қизиқишини орттиришга ҳам хизмат қилади.

Экспертларнинг фикрича, пойтахтимиздаги янги мажмуа қишқи спорт турларини оммалаштириш ҳамда

халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш борасида қудратли локомотив бўлди.

“Humo Arena” 12 500 ўринли бўлиб, кичик машқ аренаси (200 ўринли), машқ заллари, спорт музейи ва бошқа кўплаб объектлардан иборат мажмуадир.

Ўзбекистонда илк марта бунёд этилган мазкур нуфузли ишоот қишқи спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш жараёни жаҳон талаблари даражасида ўтказилишини таъминлайди, мамлакатимизда йирик хоккей ва бошқа спорт мусобақаларини ўтказиш имконини беради.



7. ТАЛАБ ТАКЛИФДАН БИР НЕЧА МАРТА ЮҚОРИ

Ўзбекистон илк бор беш ва ўн йиллик давлат халқаро облигацияларини Лондон фонд биржасига муваффақиятли жойлаштирди.

Ҳар икки муддатга ҳам 500 миллиондан, жами 1 миллиард долларлик евробондлар йўналтирилди.

Юртимиз учун ушбу воқеанинг аҳамияти ниҳоятда катта. Сабаби Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотлар қўшимча молиявий таъминот, хориж инвестицияларини фаол жалб этишни талаб

қилапти. Кўплаб мамлакатлар томонидан бу борада синовдан ўтказилган йўл халқаро облигациялар, бошқача айтганда, евробондлар чиқаришдир.

Бу мамлакатимиз иқтисодиёти учун катта воқеадир. Чунки бу орқали юртимиз инвестициявий муҳитининг яхшиланиши иқтисодиётимиз равнақига хизмат қилади.

9. ҲАР БИР СЎМ ХАЛҚ БИЛАН ҲИСОБЛАШИЛАДИ

Яқунланаётган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиклик ва ошкоралик руҳида қабул қилинди.

Президентимизнинг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-tadbирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил декабрь ойида Давлат бюджети илк бор қонун тариқасида қабул қилинди.

Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир

сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Фуқароларимиз ва депутатларимиз билдирган фикрлар асосида мактабларга мебель ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқарттириш ҳисобидан 50 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бундай ижобий ҳолат Ўзбекистон таърибасида биринчи марта юз берди.

8.

Ўзбекистон шу йилнинг 14 сентябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини (2009 йил 3 октябрь) ратификация қилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркий кенгашнинг 2018 йил 3 сентябрь куни Чўлпонота (Қирғизистон) шаҳрида бўлиб ўтган олтинчи саммитидаги иштироки Ўзбекистоннинг ушбу тузилма билан муносабатлари солномасида муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил сентябрь ойида Туркий кенгашнинг Чўлпонота саммитида мазкур тузилма билан алоқаларни кучайтириш, жумладан, Хива шаҳрини Туркий дунё-

10.

Президентимизнинг 2019 йил 2 августдаги қарори билан Қорақалпоғистон ИИВга қарашли 19-сонли ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колонияси (“Жаслик” колонияси) тугатилди.

Халқаро ҳамжамият бунчи Ўзбекистоннинг келгуси ривожланишидаги долзарб қарор сифатида эътироф этди. Бир қатор сиёсий экспертлар мазкур қарорни сиёсий жасорат деб атади. Ушбу дадил

2. 900 МИНГДАН ОРТИҚ МУРОЖААТЛАРНИНГ 530 МИНГДАН ЗИЁДИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари халқимизга қандай хизмат кўрсатмоқда?

Аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқот қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари фаолият юритмоқда.

Юртдошларимизнинг мурожаатлари айни пайтда бутун бошли соҳаларда ҳақиқий аҳолини кўрсатадиган индикатор, ҳамият кайфиятини ўрганиш барометри, таҳлил, асосий дастуриламал ҳужжатлар учун ноёб материал ҳамдир.

Барча Халқ қабулхоналарида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва сақлаш учун замонавий шарт-шароитлар яратилган. Ходимлар, ёш болали оналар, ногиронлиги бўлган шахслар ва фуқаролар учун барча жиҳатлар эътиборга олинган.

Биргина 2019 йилда Халқ қабулхоналарига келиб тушган 900 мингдан ортиқ мурожаатларнинг 530 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди.



4. БИР ЙИЛДА 18 ТА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ

Ўзбекистон жаҳонга, жаҳон Ўзбекистонга юз тутмоқда

2019 йилда Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Жанубий Корея ҳамда Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, ислом дунёсидаги бошқа шерик мамлакатлар билан муносабатларнинг кун тартиби сезиларли даражада бойиди.

Икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар анча жадаллашди. 2019 йилда 18 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди. Булар — Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон, Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Марказий Осиё мамлакатлари, Беларусь, Озарбайжон, Япония ва Россия Федера-

цияга амалга оширган давлат ҳамда расмий ташрифлари. Айни пайтда Марказий Осиё мамлакатлари, Корея Республикаси, Германия давлат раҳбарлари, Европа Иттифоқи раҳбари, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарлари мамлакатимизга ташриф буюрдилар.

Олий ва юқори даражадаги тadbирлар доирасида 122 та икки томонлама ҳужжат имзоланиб, улардан тўрттаси давлатлараро битим, 31 таси ҳукуматлараро битим, шунингдек, 35 таси ташкилотлар ва минтақалар орасида имзоланган бошқа ҳужжатлардир.

6. ИНСОНПАРВАРЛИК ОПЕРАЦИЯСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА «Меҳр-1» ва «Меҳр-2» деб номланган тadbирлар муваффақиятли амалга оширилди.

Ҳеч кимга сир эмас, Яқин Шарқда бўлаётган уруш жараёни, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларга бир қатор ўзбекистонликлар ҳам аралашиб қолган. Лекин уларнинг ичиди ўзи тушуниб-тушунамасдан, адашиб бориб қолган, экстремистик гуруҳлар фаолиятининг жабрини кўрганлар ҳам бор.

Юртбошимиз топшириғига кўра, 2019 йилнинг 30 май куни 156 нафар фуқаро, хусусан, 48 нафар аёл ва 107 нафар бола жангарилар лагеридан Ватанимизга қайтарилди. Улар алдов йўллари билан Яқин Шарқдаги қуроли моjarолар ҳудудида адашиб бориб қолган фуқароларимиздир.

Алдов оқибатида ўзга юртда оғир ҳаётий даврни бошидан ўтказган бу инсонларга ҳукуматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашишлари, таълим ва ижтимоий

дастурларда иштирок этишлари учун зарур шароит яратилди, бошпана ва иш билан таъминлаш чоралари кўрилди.

2019 йилнинг 10 октябрида “Меҳр-2” номли инсонпарварлик операцияси амалга оширилди ва унда 64 нафар болани Ватанимизга қайтаришга муваффақ бўлинди.

“Меҳр-2” инсонпарварлик операциясида Ўзбекистонга олиб келинган болаларнинг ота-оналари Ироқ давлатига террорчилик гуруҳлари ва тақибланган ташкилотлар таркибида бўлганликлари сабабли 10 — 20 йилга, айримлари эса умрбод озодликдан маҳрум этилган.

64 нафар болани Ўзбекистонга қайтариш бўйича операция 6 ой аввал бошланган. Бу вақт давомида Ироқдан қайтарилажак болаларнинг Ўзбекистондаги яқинлари билан боғланилиб, улар қайси қариндошлари оиласига жойлаштирилиши бўйича масалалар ҳал этилган.

КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Туркий кенгашга аъзо бўлди.

нинг маданий пойтахти этиб эълон қилиш, Туркий давлатлар ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги ййгилишини Тошкентда ўтказиш бўйича ташаббусларни илгари сурди.

Ушбу ташаббуслар Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар ўртасида шаклланган самимий ва дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш, биргаликдаги тараққиёт ҳамда фаровонлик йўлида ўзаро манфаатли ва амалий иқтисодий ҳамкорлик тарафдори эканини намоён этди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ташкилотнинг Боку саммитида Хива шаҳри Туркий дунёнинг 2020 йилдаги маданий пойтахти этиб эълон қилинди.

СИЁСИЙ ЖАСОРАТ

«Жаслик» колонияси ёпилди.

қадам озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларда қонунга итоаткор ҳулқ-атвори, шахс ва жамиятга ҳурмат муносабатини шакллантириш, ахлоқан тузатиш борасида амалга оширилаётган тadbирлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ҳарақатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ давлатимизнинг халқаро ареналарда ижобий мавқеини юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИЛИ

ёхуд 2019 йилнинг
энг муҳим
20 та воқеаси

11. ХАЛҚИМИЗГА ХОС КЕЧИРИМЛИЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Жорий йилда икки марта афв эълон қилинди.
Турли ҳолатларда жиноят содир этган, қилган ишидан қаттиқ пушаймон бўлган ва тўғри йўлга кирган, тураржойи ҳамда жазони ўташ муассасаларида ижобий тавсиф олган шахслар жазони ўташ колонияларидан озод қилинмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрами арафасида Президентимизнинг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Унга кўра:
65 нафар фуқаро афв этилди.
Шундан:
17 нафар шахс жазодан тўлиқ озод қилинди,
13 нафари муддатидан олдин шартли равишда озодликка чиқарилди,
20 нафарига тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилди.

Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан Президентимиз томонидан имзоланган Фармонга мувофиқ, 92 нафар фуқаро афв этилди.

Шундан:
71 нафари жазодан озод қилиниб, оиласи боғрига қайтди,
2 нафари озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазодан озод қилинди,
19 нафарининг жазо муддати қисқартрилди.
Афв этилганлар орасида:
3 нафар 60 ёшдан ошган шахс,
3 нафар аёл ҳам бор.

13. МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШ ИЛДИЗИ Беш муҳим ташаббус жорий этилди.

Президентимизнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган беш муҳим ташаббуси юртимизда ёшларга оид ислохотларга янада жадал суръат бахш этди. Ўзгаришлар эпкини ҳар бир тумандаги таълим муассасалари, маҳаллалар, оилаларга кириб бормоқда. Энг муҳими, бу янгиланишлар одамлар тафаккури, дунёқараши, ҳаётга, ишга муносабатини ўзгартирмоқда. Зеро, биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш, иккинчи ташаббус эртამиз эгаларини жисмоний чиниктириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни кучайтиришга қаратилган. Тўртинчи ташаббус ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни ташкил этишга хизмат қилса, бешин-



чи ташаббус хотин-қизларнинг муайян касб-корга, даромадга эга бўлишларига имкон яратмоқда.
Беш муҳим ташаббус дастлаб Тошкент вилоятининг Бўқа тумани ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида тажриба сифатида жорий этилди. Бу ишларни халқимиз катта қувонч ва иштиёқ билан қарши олди. Уни “миллий тараққиётнинг беш илдизи”, деб атамоқда.



18. ЁШЛАР — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи негизида янги агентлик.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши этиб белгиланиб, бу йўлда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг ёрқин ифодаси сифатида Президентимизнинг 2019 йил декабрь ойида юртимиз ёшлари билан ўтказган очик мулоқотини айтиш мумкин.
Мазкур учрашувда ҳокимлар ва мутасадди раҳбарлар ёшларнинг муаммолари билан танишиб, ҳар ойда бир марта маҳаллий Кенгашлар сессияларида уларни муҳокама қилиши, халқ вакилларига ҳисобот бериши зарурлиги қайд этилди.
Мутасаддилар ёшларнинг бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, таълим олишга ва касб ўрганишга бўлган талабини доимо ўрганиб, ечим топиши керак. Ёшлар муурожаатларини қайд этиш ва таҳлилини

19. ТИНЧ ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ Ватанимиз кўплаб фестивалларга мезбонлик қилди.

Хусусан, Термиз шаҳрида 5 — 10 апрель кунлари Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Маргилон шаҳрида 11 — 13 июль кунлари “Буюк Ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивали, Самарқанд шаҳрида 26 — 30 август кунлари “Шарқ тароналари” XII халқаро мусиқа фести-

вали, Қўқон шаҳрида 10 — 15 сентябрь кунлари Халқаро ҳунармандчилик фестивали ўтказилди.
Ушбу тадбирларда халқимизнинг миллий маданияти, бетақорр санъати, бебаҳо қадриятлари кенг намоийш

этилди. Шу билан бирга, бу тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлиши мумтоз санъатни, халқ иходининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уларни келгуси авлодларга беэавол етказишда муҳим аҳамият касб этди.

12. МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЧИНАКАМ МЕГАПОЛИСИ «Tashkent City»да иккита мажмуа фойдаланишга топширилди.

Юртимиз кўрқига кўрк қўшиб, юртдошларимиз қалбига чексиз қувонч улашаётган “Tashkent City”нинг 5-лот қисмидан жой олган Конгресс холл ва “Hilton” меҳмонхонаси шу йил октябр ойида барча учун ўз эшикларини очди. Айни пайтда бу манзилдан кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар, ёшлар, фарзандларини етаклаган ота-оналар, хорижлик меҳмонлар қадами узилмаяпти.
Конгресс холл биноси давлатлараро музокаралар ва учрашувлар ўтказишга мўлжалланган. Бинонинг умумий қурилиш майдони 43 минг квадрат метр. Биринчи қаватда 3,5 минг нафар иштирокчига мўлжалланган 70х70 метр ўлчамдаги катта конференция зали, хорижий давлат раҳбарлари алоҳида ишлаши учун хоналар, музокара заллари, ресторан, кичик концерт зали, учрашувлар ва дам олиш хоналари мавжуд. Иккинчи қаватда ҳам қўшима мажлислар учун хоналар жойлашган. Умумий ҳисобда Кон-

гресс холда 16 та зал мавжуд. Яна бир маълумот: иншоот бир вақтнинг ўзида 8 та олий даражадаги делегацияни қабул қилиш имкониятига эга. Қолаверса, асосий зал 4 та кичик ёки 2 та ўртача залга трансформация бўладиган асосий залга эга.
Беш юлдузли “Hilton” меҳмонхонаси 21 қаватдан иборат бўлиб, иншоотнинг умумий майдони 51 минг квадрат метр-га тенг. Жами 258 та номердан иборат. Улардан 8 таси Президент номерлари, 50 таси люкс, 200 таси стандарт хоналардир. Бундан ташқари, меҳмонхонанинг иккинчи қаватда мажлислар зали ҳам ўрин эгаллаган. Европа, Осиё ва миллий таомлар ресторани ҳам бор. Қолаверса, бас-сейн ва спа-салонлари жойлашган.
Меҳмонхонанинг 21-қаватида давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси асосида очик ресторан вужудга келди. Бу ерда нафақат тамадди қилиш, балки азим Тошкентни, “Tashkent City”нинг 18 гектарлик замонавий паркини томоша қилиш мумкин.

14. КЕКСА АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНДИ Мамлакатимиз тарихида илк бор «Кексалар ҳафталиги» ўтказилди.

Ҳафталик доирасида:
28 357 нуронийга турли совғалар,
11 929 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари,
3 343 нафарига доридармонлар улашилди.
Саховат ва Мурувват уйларига эса
222 миллиард 844 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.
21891 нафар кекса “Тиббиёт бригадалари” томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди.
55 нафарига ногиронлик оравачалари берилди.

15. МЎЙНОҚ МЎЪЖИЗАСИ Оролдан чучук сув чиқди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидан 200 километр, Нукусдан 400 километр олисда Возрождение оролининг Шағала деб номланувчи жойи бор. Уша худуддан — Орол денгизининг қуриган майдонидан чучук сув топилиди.
Ушбу чучук сув Жанубий Орололди артезиан ҳавзасининг Бор даври ётқизиларида, яъни 260 — 280 метр чуқурликдан топилади. Бу сувнинг минераллашуви 3 грамм, қаттиқлиги 6 миллиграмм эквивалентга тенг.
Оролнинг қуриган майдонида “Яшил қалқон” — саксовулзорлар барпо этилгани ҳам диққатга сазовор.



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ» Миллий руҳ омили.

Бугун “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган тамойилга асосланиб, миллий ғоя, унинг мафқуравий негизларини пухта ишлаш, ёш авлодни болаликдан миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, адолатли жамият барпо этилишига, унда соғлом муҳит қарор топишига, одамларнинг рози бўлишига ва ислохотларда фаол иштирок этишига замин яратмоқда.

17. БИЛИМЛИ АВЛОД — КЕЛАЖАККА ҚАНОТ Юртимизда илк бор Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти йўлга қўйилди.

Юртимизнинг эртанги куни замонавий кадрларга боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз учун энг катта муаммо, бу — бугунги замон талабларига мос кадрлар етишмаслигини, барча соҳада инновацион ва креатив фикрлайдиган, илғор технологияларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж жуда юқори эканини таъкидлаб келади. Шу мақсадда Ўзбекистонда улуг алломаларимиз — Мирзо Улуғбек ва Мухаммад Хоразмий

номдаги иқтидорли болалар мактаблари, халқимизнинг атоқли шоир ва адиблари Исроҳон Ибрат, Хамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Юсуф, Огахий, Халима Худойбердиева, Абдулла Қодирий ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Нукус, Хива, Наманган, Тошкент шаҳарларида Президент мактаблари ташкил этилгани таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Энг муҳими, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

20. «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ САЙЛОВЛАР»

Жорий йил 22 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида юқори савияда ўтказилди.

Мазкур сайловлар биринчи марта:
☀ Сайлов кодекси асосида ўтказилди,
☀ 5 та сиёсий партия турли даражадаги депутатлик мандатлари учун рақобат олиб борди,
☀ сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати амалиётга татбиқ этилди ва ундан 20 миллион 503 минг 462 нафар фуқарога тегишли маълумотлар ўрин олди,
☀ 60 та сайлов участкасига тажриба-синов сифатида 120 видеокамера ўрнатилиб, овоз бериш жараёни Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказига ва интернет орқали онлайн режимида бутун дунёга намоийш этилди,
☀ тажриба-синов тарикасида 20 та сайлов участкасига овоз бериш пайтида фуқароларнинг шахсини аниқлаш учун биометрик ҳужжатларни “ўқийдиган” 60 та қурилма ўрнатилиди,
☀ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни кузатиш ҳуқуқи берилди,
☀ ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча



Йилнома

ИЮНЬ

● Ўзбекистон Мадридаги “GrandVoyage Tourism Awards” танловида энг яхши ривожланаётган сайёҳлик йўналиши деб тан олинди. Бу мамлакатимизда туризм соҳасини модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарасидир.

ИЮЛЬ

● Сирдарё вилоятида юкларни Қозоғистонда темир йўллар орқали жўнатиш бўйича давлатлараро пункт очилди. Бу Фарғона водийси, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан Қозоғистоннинг жанубий вилоятларига товарларни етказиб бериш вақтини қисқартириш имконини берди.

АВГУСТ

● Жорий йилнинг 3 августидан 17 августигача давом этган “АрМИ — 2019” халқаро армия ўйинларида 39 та давлатнинг 200 дан ортиқ жамоалари қаторида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари 14 йўналишда, яъни Беларусда “Мерганик марраси”, Хитойда “Қуролсоз уста” ва “Мусаффо осмон”, Қозоғистонда “Артиллерия олови устаси”, Эронда “Йўл патрули”, Хиндистонда “Қўшин разведкаси аълочилари”, Россияда “Танк биатлони”, “Эльбрус халқаси”, “Содик дўст”, “Хавфсиз маршрут”, “Дала ошхонаси”, “Харбий ралли”, “Рембат”, Ўзбекистонда “Харбий-тиббий эстафета” мусобақаларида фаол иштирок этди.

СЕНТЯБРЬ

● 80 давлатдан келган чарм қўлқоп усталари иштирок этган бокс бўйича Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

ОКТАБРЬ

● Пойтахтимизнинг Тошкент метросида янги тўрт вагонли поездларнинг тақдими бўлиб ўтди.

НОЯБРЬ

● Республика sanoat ярмаркаси ва кооперация биржасида мингга яқин маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўн мингдан ортиқ турдаги маҳсулотларини намоийш этди.
● “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ халқаро капитал бозорининг аъзосига айланди.
● Самарқандда Россиянинг “KamAZ” компанияси билан биргаликда юк машиналари шассиларини йиғиш линияси ишга туширилди.

ДЕКАБРЬ

● Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида инфратузилма ва хизмат кўрсатиш даражаси бўйича халқаро стандартларга жавоб берадиган “Amirsoy” тоғ-чанги курорти фойдаланишга топширилди.
● “Лазги” ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди
● Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.



Азиз юртдошлар!

«Ўзсаноатқурилишбанк»
жамоаси Сиз азизларни
2020 йил билан
чин дилдан қутлайди!

Янги йил оилангизга
тотувлик, қувонч ва
омад олиб келсин!



BEKABAD CEMENT

«БЕКОБОДЦЕМЕНТ» АЖ

жамоаси сизга ва ҳамкорларига чуқур ҳурмат-эҳтиром билдириб, сизни, сиз орқали дўстларингизни, оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Янги йил билан чин қалбдан табриклайди!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мустақил юртимизнинг порлоқ келажаги йўлидаги ишларингизда улкан зафарлар тилайди.

Хонадонингизни шоду хуррамлик, оилангизни тинчлик-тотувлик ва фойзу барака тарк этмасин!

«O'ZAGROSUG'URTA»
AKSIYADORLIK JAMIYATI

*Siz azizlarni,
Yangi yil bilan
samimiy muborakbod
etamiz!*

2020

agros.uz

**Йирик ва кичик корхоналар
раҳбарлари диққатига!**

«PGS» корхонаси инновацион технология асосида ишлаб чиқарилган, энергия тежамкор, кафолат мuddати узок ҳамда кафолат мuddатидан сўнг хизмат кўрсатиш мавжуд бўлган маиший ва саноат иситкичларини таклиф қилади.

PGS ISITKICHLARI

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN.
Tel.: 71-279-38-54, 71-279-25-23.
www.pgs.uz

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуванни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Гафоров.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 07.05 Топширилди — 08.15 1 2 3 4 5 6